Ушбу сонда:
2-3 КАСАБА УЮШМА ОРГАНЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР
4 «УНИВЕРСИАДА-2004»ГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 21 январ, чоршанба № 10 (1643)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

***Андижондаги 2-меҳрибонлик уйида болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Бино ва маиший иншоотлар капитал таъмирланиб, мебеллар янгиланди. Ҳомийлар меҳрибонлик уйига беш миллион сўмлик спорт анжомлари, мебел, ўйинчоқлар ва бошқа товарлар тақдим этди.***

Бу меҳрибонлик уйида 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 90 дан ортиқ бола тарбияланмоқда. Уларнинг кўпчилиги вилоят марказидаги 25- ва 30-мактабларда таҳсил олади. Бу мактабларда ўқиётган болаларнинг кўпчилиги яхши натижаларни қўлга киритди. Алевтина Мурбобоева ва Саодат Муйдинова «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Камалак жилолари» танловидаги иштироки учун диплом ҳамда мукофотларга сазовор бўлди. Меҳрибонлик уйининг кўпгина тарбияланувчилари турли фанлар бўйича олимпиадаларда иштирок этмоқда, спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб, ҳарбий ва умумтаълим ўқув юртларида ўқимоқда.

**(ЎзА)**



# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19-20 январ кунлари расмий ташриф билан Кувайт давлатида бўлди



***Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Лекин Ўзбекистон ва Кувайт амалий ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга баҳо бериш ва ёндашувларда томонларнинг қарашлари уйғун. Аммо, Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодий соҳада шу чоққача имкониятлар тўла ишга солинмади. Шу боис икки мамлакат салоҳиятини ўзаро муносабатлар ривожи томон йўналтириш, амалий ҳамкорлик учун қулай шароит яратиш ташрифдан кўзланган асосий мақсад сифатида эътироф этилди.***

Ал-Кувайтда Президент Ислом Каримов Кувайт давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан учрашди. Музокарада икки томонлама алоқаларнинг истиқболи муҳокама этилди. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Кувайтда ҳамкорликни юқори поғоналарга кўтариш учун катта иштиёқ ва интилиш мавжуд эканлигини тасдиқлаши таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайт Бош вазири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан аввал якка-якка, сўнг расмий делегациялар иштирокида музокаралар ўтказди. Учрашувларда ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш ва ёз ойларида Тошкентда унинг илк мажлисини ўтказишга келишилди. Мезбонлар Ўзбекистон ал-Кувайтда элчихона очиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистон транспорт ва коммуникация, қишлоқ хўжалиги, энергетика, сув таъминоти каби соҳаларда Кувайт билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ушбу мамлакат улкан сармоявий салоҳиятга эга, энергия ва сувдан тежамли фойдаланишда катта тажриба орттирган. Ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйишдан ҳам икки томон бирдек манфаатдор.

Трансафғон йўли қурилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўл минтақада вазиятни барқарорлаштириш баробарида, кўпгина давлатларни, жумладан, Ўзбекистон ва Кувайтни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаво алоқаси борасидаги, шунингдек, терроричилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Дастлабки тўрт битим давлат ва ҳукуматлар даражасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга кенг йўл очади. Терроричилик, контрабанда ва уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлик ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан тузилган меморандумда эса, Ўзбекистондаги 9 лойиҳани молиялаштириш учун ушбу муассаса томонидан 215 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилади. Бу лойиҳалар сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларига йўналтирилган.

Мазкур жамғарма шу вақтгача Ўзбекистондаги икки лойиҳада жами 38,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағ билан қатнашаётган эди. Янги келишув ташрифнинг самарали кечганига яна бир далилдир.

Ушбу жамғарма Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро молиявий тузилмалар билан яқин алоқа ўрнатган. Унинг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориж сармояси жалб қилишнинг имкониятларини янада оширади. Президент Ислом Каримов жамғарма Бош директори Бадр Мишарий ал-Ҳумайзий билан учрашиб, шу масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ташриф асносида Президентимиз ушбу мамлакатнинг Миллий мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий, Савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Саъд Али ан-Ноҳиз билан ҳам учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайтнинг Ҳарбий асирлар ва бедарак йўқолганлар масалалари бўйича миллий қўмитаси фаолияти билан танишди. Ноҳақдан Ироқ қамоқхоналарида сақланган, Саддам Ҳусайн армияси тажовузларидан жабр кўрган кувайтликлар хотирасига атаб таъсис этилган ушбу ташкилотнинг фахрий меҳмонлар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди.

Яқинда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби араб тилида нашр этилган эди. Ташриф арафасида ал-Кувайтда бу китобнинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу воқеа Кувайтда Ўзбекистондаги ўзгаришларга қизиқиш кучли эканлигидан далолатдир.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Кувайт давлатига сафари якунланди. Кувайт Бош вазири бу ташриф хайрли ибтидо эканлигини таъкидлаб, келгусида ҳамкорлик муваффақият билан ривожланишига умид билдирди. Ислом Каримов бу истакни маъқуллади.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги илк учрашув юқори баҳо олган экан, муносабатларимиз истиқболига ишонч билан қараш мумкин. Бунинг учун барча асослар бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент - Ал-Кувайт - Тошкент.**

### *Истиқлол берган имкон*

# «NAM-KON» ШАРБАТЛАРИ

***Вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган йиғилиш борарди. Маърузачи бу борада эришилган натижаларни таҳлил қиларкан, косонсойлик тадбиркор Қодирхон Муталов фаолиятига алоҳида тўхталди.***

– Қодирхон Косонсой, Чуст, Мингбулоқ, Поп каби туманларнинг қатор жамоа хўжаликлари, деҳқон ва боғбонларни мушкулини ҳам осон қилмоқда, - дея таъкидлади у. – Улар эндиликда ўзлари етиштирган маҳсулотни бозорга сотиш, харидор топиш қийинчиликларидан халос бўлдилар.

Республика «Ташаббус-2003» танловида лауреатлик дипломи ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

Маърузачининг сўзларини тинглайману бундан йигирма йилча муқаддам Қодирхон Муталов билан биринчи бор учрашувимиз ёдимга келади. Ўшанда «Қўқимбой» хўжалигининг адирликлар оралиғида жойлашган бригадасига йўлим тушди. Ишни битириб қайтишимда автомобилим «иш кўрсатди». Йўл четида бошим қотиб турганида ранглари ўчиб кетган автодўкон ёнгинамга келиб тўхтади. Ҳайдовчи қорачадан келган йигит экан. Мен билан кўришгач, моторни бироз кавлаштирган бўлди. Сўнг менга қаради:

Қишлоққача судраб боришга тўғри келади. Ўша ерда машинани яхши тушунадиган уста бор. Эплаб беради...

Орадан анча вақт ўтгач, вилоят газетасида босилган бир хабарни ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, маҳаллий шароитда етиштирилган мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган хусусий корхона очиш ҳаракатига тушган экан.

– Табриклайман, - дедим йўлим тушганида унга.

– Бунга бир воқеа туртки бўлди, - деди Қодирхон кулиб. – Қўшним кўп болали. Ўн нафарга яқин жон. Улар асосан ўн сотих томорқадан тирикчилик қилишади. Бир оқшом уйимга чиқибди.

– Томорқамдаги шафтолиям, ўрик ҳам пишган, гилос эса тўкилиб тамом бўляпти, - деди. – Косонсой бозорига олиб борайин десам, сув текин. Наманганга етказишга пул йўқ. Бир иложини топишга ёрдам беринг.

Шундан сўнг қўшним сингари деҳқонлар мушкулини енгиллатиш учун ўзим ишлаётган матлубот жамияти қошида цех очмоқчи бўлдим. Чуқурроқ ўйлаб қарасам ҳукумат томонидан тадбиркорликка кенг йўл очиб беріляпти. Қолаверса, керакли миқдорда кредит ҳам тақдим этиляпти.

Тадбиркорлик осон иш эмаслигини йигит яхши биларди. Лекин ундаги қатъийлик, ҳаракатчанлик иш берди. Аввало, давлатдан 370 минг доллар кредит олишга эришди. «Чиндовул» қишлоғидаги фаолиятини тўхтатган қурилиш ташкилотини иморатлари билан қўшиб сотиб олди. Сўнг Исроил, Германия ва Италиядан мева, полиз ҳамда сабзавотларни қайта ишлайдиган ускуналарни харид қилиб келтирди. Иморатлар қайтадан корхонага мослаб жиҳозланди. Машина ускуналар ўрнатилди.

Ишлаб чиқаришни бошқарадиган мутахассислар тайёрлаш масаласига биринчи галда эътибор қаратилди. Ўн нафарга яқин киши Исроилда ўқиб келди. Қолганларига чет элдан келган муҳандислар иш ўргатдилар.

Шундай қилиб «NAM-KON» корхонаси дунёга келди. Бугунги кунда жамоа аъзолари сони қирқ нафардан ошган. Куз ойларида ишчилар сони 60-70 нафарга етади. Ҳошимхон Мўйдинов, Қаноатхон Жалолова, Бахтиёржон Акбаров, Муҳтарама Рамазонова ва Абдураҳим Йўлдошев кабилар ўз ишларининг чинакамига мутахассисига айланганлар.

Наманган вилояти ҳақиқий боғ-роғлар, сабзавот ва полиз майдонлари ўлкаси. Бу ерда осмонўпар «оқ олтин» хирмонлари билан бир қаторда турфа хил мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Корхона жамоаси эса ана шу нознеъматларни қайта ишлаб, шарбатини ажратиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мевадан ташқари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг ҳадисини олган деҳқонларнинг кўпчилиги корхона билан шартнома тузиб олиб, иш юритмоқдалар.

– Деҳқон ва боғбонлардан қабул қилиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яхшилаб ювилиб, қайта ишланади, - дейди бош директор. – Ажратиб олинган шарбат эса ярим литрлик полиэтилен идишларга жойланади. Биз тайёрлаётган маҳсулот бугунги кунда мамлакатнинг деярли барча шаҳар қишлоқларига етиб бормоқда.

Шунга қарамасдан, ишимиз аъло даражада кетяпти, ишчи-хизматчиларимиз турмушини тўла равишда яхшилашга эришяпмиз, деб айтишга ҳали фурсат эрта. Тўғри, бепул тушлик, кечки сменада ишлайдиганлар учун иссиқ овқатлар уюштирганмиз. Ойлик маош ўртача 30 минг сўмни ташкил этмоқда. Аммо бу кўрсаткич ҳали кўнглимиздагидек эмас. Шу боис жорий йилда маҳсулот турини 7 хилга кўпайтирамиз. Саломатлик учун ғоят муҳим ўрик, шафтоли, гилос, лимон шарбатлари тайёрлашга киришмоқчимиз. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилги 71 миллион сўмликдан 250 миллион сўмликка кўтарилади. Шу тариқа ойлик маош ўсади. Бундан ташқари боғча очиш ниятимиз бор. Ёзги мавсумда илғор ишчилардан камида 10 нафарини сиҳатгоҳларга жўнатиб соғломлаштириш чораларини кўрамиз.

Инсонда орзу-ниятнинг бўлгани яхши. Қодирхонда эса улар бир дунё. Шу боис косонсойлик тадбиркор билан хайрлашиб ортимизга қайтарканмиз, унинг режалари рўёбга чиқишига омад тиладик.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

***Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ходимлар шошма-шошарлик билан ишдан бўшатилган бўлса, ўша ердан ариза ва шикоятлар кўпроқ тушмоқда.***

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Навоий вилоят қўмитаси ҳисобот даврида 17 марта шундай нотўғри ишдан бўшатилган ходимлар бўйича иш берувчилар билан музокаралар олиб борди. Навбаҳор туман ижтимоий таъминот бўлими, вилоят тиббий меҳнат экспертизаси, Навоий ва Кармана туман халқ банклари, Навоий шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, Саноат қурилиш банки вилоят бўлими, Навбаҳор туман меҳнат биржаси каби ташкилотларда ходимлар меҳнат қонуни талабларига зид равишда ишдан бўшатилгани аниқланди ва касаба уюшмалари аралашуви билан вазифаларига қайта тикландилар. Буларнинг аксарияти раҳбар ходимларнинг меҳнат қонунларини яхши билмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Меҳнат низолари келиб чиқишига кўп ҳолларда кадрлар бўлимида ишловчи ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етишмаслиги ҳам сабаб бўлаётир.

Вилоятимиз ҳудудий жиҳатдан энг катта. Ўзига хос иқлими, саноатнинг йирик потенциали жамланганлиги билан ажралиб туради. Экологик носоғлом муҳит таъсири ҳам бор. Бу муаммоларни камайтириш учун спорт ва жисмоний соғломлаштиришга катта эътибор қаратилаётир. Шу боисдан ҳам ҳар йили ўтказилаётган республика тармоқ спартакиадаларида вилоят жамоалари фаол иштирок этмоқда. Вилоят ҳокими ташаббуси билан ҳар йили апрел ойида ўтказиладиган раҳбар ходимлар мусобақаси анъанага айланган.

**Шуҳрат ХАЛИЛОВ,**
**Навоий вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**

### *«Ишонч» фош этади*

# КУЗДА ЧАККА, ҚИШДА СОВУҚ АРИМАС ХОНАЛАР

***Аҳмаджон Қосимовни мактаб қозонхонасида учратдик. У навбатчи ўтёқар билан суҳбатлашиб турарди. Директорнинг қиёфасидан синф хоналарини иситишдаги муаммолар етарли эканлигини пайқаш қийин эмасди.***

Избоскан туманидаги 30-ўрта мактаб қарийб 4 гектар майдонни эгаллаган. Бу ерда 700 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади. Аён бўлишича, мактабни электр энергияси билан таъминловчи «Гулистон» маҳалласидаги қутича ишдан чиққан экан. Оқибатда қозонхонадаги электр моторлардан бири тўхтаб, синфхоналарига иссиқлик узатиш режими бузилган. Натижада 5 «А» - синфида 60 нафар бола ўқитилаётир. Электрдаги носозликлар туфайли ошхона 3 кундан буён ишламаётир.

Гап орасида директор носоз электр ускунаси кечгача ишга туширилишини айтди. Савол туғилади. Туман электр таъминоти идораси наҳотки маҳалладаги бутун бошли электр узатиш тармоғи ишдан чиқсаю, 3 кунгача хабарсиз қолса? Қизиғи, қутини топиб келтириш, созлаш юмушлари нега мактаб жамоаси зиммасига тушади?

Туман халқ таълими бўлимига қарашли 43-болалар боғчасида янада ташвишли манзарага дуч келдик. 3 гуруҳдан иборат боғча хоналари совуқдан одамни «чақаман» деб турарди. Деворларининг сувоқлари кўчиб ётар, шиплар чакка ўтганлигидан қорайиб кетганди.

Боғча мудираси Ҳамрохон Каримованинг айтишича, том ва хоналарни таъмирлаш ишлари ҳар йили режага киритиларкан. Аммо, ваъдалар қоғозда қолиб кетаверакан. Тушлик қилаётган кичкинтойлар гуруҳига кирамиз. Тарбиячи Ойимхон Тоштемирова нўхат шўрва тортилганини айтади. Овқатга қошиқ солиб ҳайрон бўлдик. Қошиққа нўхат илинмас, пиёз, гўшт умуман солинмаганди. Мудира гўшт таъминотида узилишлар бўлаётганлигини тан олди...

Тарбиячилар боғчада канализация тармоғи бир неча йилдан буён ишламаётганлигидан шикоят қилишди. Ҳолбуки, тоза ичимлик сув қувури боғчадан атиги 200 метр наридан ўтганди.

Каримжон Ғозиев раҳбарлик қилаётган 11-ўрта мактабга иккинчи сменада дарслар тугаётганда кириб бордик. Таъкидламоқ жоизки, мактаб тумандаги энг йирик таълим-тарбия ўчоқларидан бири. Бу ерда 1768 нафар ўқувчи таълим олади.

Иссиқлик узатиш манбаига 4 та қозонхона ўрнатилган. Шуларнинг атиги биттаси ишлаётганлиги маълум бўлди.

Устига-устак ишлатилаётган кўмир ёқилғисининг ёнувчанлик даражаси жуда паст. Қиш мавсуми учун 120 тонна ўрнига 70 тонна кўмир жамғарилган холос. Хуллас, синфхоналарда болалар бир амаллаб ўтиришибди.

- Иложини қиляпмиз, - дейди биз билан суҳбатда ўқувчилардан бири Муслимбек Нўъмонов. - Совқотсак, телпагимизнинг қулоғини тушириб, тўн ва пальтоларга бурканиб оламиз.

Йўлакдаги деворга ўрнатилган иситиш тармоғидан полга сув оқиб ётибди. Болалар кўлмакни босиб ўтишяпти. Бироқ буни бартараф қилиш ҳеч кимнинг парвойига келмаяпти.

Ҳувиллаган спорт залига кирамиз. Бу ерда қўл тўпи шитидан бошқа ҳеч қандай спорт жиҳози йўқ.

- Машқлар ўтказишнинг имкони йўқ,— изоҳ беради спорт йўриқчиси Алижон Раҳимов.— Сабаби томнинг тўрт жойидан чакка ўтади.

Девор ва шипдаги сув доғлари йўриқчининг гапларини тасдиқлаб турибди. Мактабнинг спорт инвентарлари билан таъминланиш даражаси бизни қониқтирмади. Юқорида айтилгандек, 2000 нафарга яқин ўқувчи таълим олаётган даргоҳда бокс, футбол, волейбол, стол теннисси каби тўгарак очилганлиги, бор-йўғи битта футбол, битта волейбол тўпи ва битта бокс қўлқопи мавжудлиги ҳеч кимни ўйлантирмаяпти. Синфдан ташқари ишлар бўйича директор ўринбосари Рустамжон Аҳмедовнинг айтишича, кураш секцияси эндигина иш бошлабди. Савол-жавоблар жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижроси мактабда суст амалга оширилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Туман халқ таълими бўлимига йўл оламиз. Ўзаро мулоқотда мудир Азотжон Бурхонов режалар, ахборотлар, маълумотларни қалаштириб ташлади. У мавжуд 48 та ўрта умумтаълим мактаби, 52 та болалар боғчалари, 7 та мактабдан ташқари муассасалардаги қозонхоналар, мўрконлар, печлар, сув, газ, электр каби муҳандислик коммуникациялари аъло даражада қўлдан чиқарилгани, умуман тизимда қишки мавсум муваффақиятли ўтаётганлигини кўтаринки руҳда гапириб берди.

Бюджет маблағлари, ҳомийлар ёрдами билан 19-ва 24-ўрта умумтаълим мактаблари, 38-болалар боғчаси қайта таъмирдан чиқарилганини таъкидлашдан чарчамади. Савол туғилади: унда юқорида зикр қилинган болалар боғчаси, мактаблардаги аҳвол нега бағоят аянчли?

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЯНГИ САЙТ

Ўтган йилнинг охирида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсалбанк» ва «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси билан биргаликда Интернетда янги сайт - www.bankinfo.uz ни очди. Жаҳон тармоғидаги бу ахборот-маълумот бўлими банк хизматчилари, иқтисодчилар, инвесторлар ва сармоядорларга мўлжалланган.

Веб-саҳифани тайёрлашда Ўзбекистонда бизнесни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, бозор тузилмасида рўй бераётган ўзгаришлар, уни ривожлантириш истиқболлари инобатга олинди. Сайтда мамлакатимиз банк тармоғининг хорижий ваколатхоналар, жамғармалар, суғурта, лизинг, инвестиция, ҳуқуқий компанияларга кўрсатаётган молиявий хизматлари ҳақида ахборот берилган. Лойиҳани амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири барча тижорий таклифлар ҳамкорлар ва мижозлар орасида дарҳол тарқатилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сайтда ахборот тарқатишнинг самарали услублари, шу жумладан форум қўлланган. У муайян мавзудаги муаммоларни муҳокама қилиш учун кенг ишбилармон доираларни жалб этиш имконини беради.

**(ЎзА)**

# БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН БЎЙИЧА КАСАБА УЮШМА

1

### I. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишнинг баъзи хусусиятлари

Иш берувчилар ва ёлланиб ишлайдиган ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни қонунлар билан ёхуд якка тартибдаги меҳнат шартномалари ва жамоа шартномалари[1] воситасида тартибга солиш мумкин. Мазкур учта услубнинг қўлланиш доиралари ўртасидаги нисбат бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг энг муҳими сифатида иқтисодиёт соҳасида давлат томонидан юритилаётган сиёсат тушунилади. Умумий қоидага биноан, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодиётда меҳнатга оид муносабатлар асосан қонунлар орқали тартибга солинади, уларни шартномалар воситасида тартибга солишнинг устуворлиги эса – бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга кўпроқ хосдир. Иқтисодиёт қанчалик эркинлаштирилган бўлса, унда шартномавий муносабатлар аҳамияти (шу жумладан, меҳнат соҳасида ҳам) шунчалик катта бўлади, деб ҳисобланади.

Лекин бозор тизими ривожланган мамлакатларда ҳам меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишда иқтисодиётнинг муайян тармоқларида – қонун ҳужжатлари, баъзи тармоқларида – якка тартибдаги меҳнат шартномалари, бошқаларида эса – жамоа шартномалари устуворликка эга.

Давлат секторида меҳнатга оид муносабатлар асосан қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу боис, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда жамоа музокаралари самара бермайди, деган фикрни амалиётда кўп учратиш мумкин. Баъзи иш берувчилар ва касаба уюшма фаоллари мазкур секторда жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш мақсадга мувофиқлигини ҳам шубҳа остига олишмоқда.

[1]Мазкур тавсияларда «меҳнатга оид муносабатларни жамоа шартномалари воситасида тартибга солиш» деб, меҳнатга оид муносабатлар субъектлари ўртасидаги жамоа музокаралари натижасида қабул қилинган ва жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, қўшма қарорлар кўринишида, шунингдек ходимларнинг вакиллик органлари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа норматив ҳужжатлар кўринишида расмийлаштирилган меъёрий ҳолатлар тушунилади.

2

Ҳақиқатан ҳам, Халқаро меҳнат ташкилоти экспертларининг фикрига кўра, деярли барча мамлакатларда, масалан, давлат хизмати соҳасида жамоа музокаралари масаласи ўзига хос муаммоларга бориб тақалади. Бу муаммолар, асосан, давлат хизматчиларига қўйиладиган алоҳида талаблар мавжудлигидан келиб чиқади. Бир хил ёндошувни таъминлаш мақсадида жорий этилган ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу талаблар барча давлат хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади ва кўпинча уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва хизмат шартлари тўғрисидаги низомларда акс эттирилади. Бу билан меҳнат шартлари хусусидаги музокаралар учун ниҳоятда кам имконият қолдирилади ёки бундай имкониятлар умуман йўққа чиқарилади.

Бу муаммолар юзага келишининг яна бир сабаби – бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқлар ходимларининг иш ҳақлари ва бошқа меҳнат шартлари кўпинча иш берувчиларга боғлиқ бўлмаган тегишли поғонадаги бюджетларда акс эттирилиши лозимлигидир. Албатта ҳар қандай бюджет тегишли ҳокимият тузилмалари (парламент, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва ҳоказо) томонидан мамлакатнинг иқтисодий аҳволини ва жамият манфаатларини ҳисобга олиб маъқулланиши керак. Шу боис, давлат секторидаги меҳнат муносабатлари субъектларига нисбатан кўпинча ташқи органлар (масалан, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, давлат ҳокимияти органлари ва ҳоказолар)нинг чекловчи йўриқлари ва назорати татбиқ этилади.

3

Давлатнинг иқтисодий сиёсати нуқтаи назаридан табиий бир ҳол деб ҳисобланадиган бундай вазият, айни пайтда, жамоа музокаралари эркинлигини маълум маънода чекланишига ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларининг амал қилиш доирасини бирмунча торайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари иқтисодий фаолиятнинг деярли барча соҳаларида (шу жумладан бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда ҳам) ёлланиб ишлайдиган ходимларга касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини беради.

Мамлакатимиз парламенти томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»ги 154-Конвенцияси ратификация қилинган. Маълумки, ушбу Конвенция хусусий сектор билан бир қаторда давлат хизмати соҳасида ҳам (ҳарбий хизмат ва полициядан ташқари) жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини беради. Мазкур Конвенцияни ратификация қилган давлат меҳнат ва бандлик шартларини белгилаш мақсадида ўтказиладиган жамоа музокаралари жараёнига кўмаклашиши шарт. Айни вақтда, давлат хизмати соҳасида ушбу халқаро ҳужжатга риоя қилишнинг алоҳида кўринишдаги шакллари (миллий қонун ҳужжатлари ва низомлар ёрдамида ёки таркиб топган амалиётга кўра) қўлланилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига биноан давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари тегишли қонун билан белгиланиши керак, бундай қонун мамлакатимизда ҳали қабул қилинмаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонун ҳужжатлари меҳнаткашларнинг барча тоифаларига касаба уюшмаларига бирлашиш, жамоа музокараларини олиб бориш ҳамда жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

4

Лекин давлат секторида ушбу «уч томонлама ҳуқуқ»ни рўёбга чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд: давлат хизматчиларининг ҳаммаси ҳам (масалан, ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари хизматчилари) касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқига эга эмаслар, бирлашиш рухсат этилган жойларда эса - жамоа музокаралари (ва жамоа шартномалари) миллий қонун ҳужжатларида кўрсатилган уларнинг ваколатига кирувчи барча масалаларни қамраб ололмайди.

Амалиётда бундай чекловлар бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқлар меҳнаткашларига давлат томонидан бериладиган имтиёз ва устунликлар билан мувозанатга келтирилади.

### II. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқлар ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларга имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар бериш борасидаги қонун ҳужжатларининг асосий кўрсаткичлари

**Солиқлар, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш соҳасида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сонли қарорига биноан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 1-, 2- ва 3-рўйхатларга кирувчи бюджет соҳасининг баъзи тоифадаги ходимлари (санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ходимлари) меҳнатининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, уларга даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Ушбу ходимлар даромадидан олинадиган солиқларнинг умумий миқдори 25 фоиздан ошмаслиги керак.

5

Айрим тоифалардаги давлат хизматчилари даромад солиғи тўлашдан умуман озод қилинганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 13 майдаги Фармонига биноан бюджетдан маблағ билан таъминланадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг, шунингдек, судларнинг давлат хизматчиларига, уларнинг Ягона тариф сеткаси разрядлари бўйича белгиланган окладларига нисбатан рағбатлантириш коэффициенти сифатида 20 фоизлик устамалар тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 490-қарори билан умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув муассасалари ўқитувчиларига дафтарларни текшириш, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлик қилиш учун қўшимча тўловлар жорий этилган. Ҳукуматнинг яна бир (2000 йил 21 августдаги 327-сонли)қарори билан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ ходимларга, педагог ходимларга, психологларга, ишлаб чиқариш усталарига уларнинг лавозим маошларининг 25 фоизи миқдорида ҳар ойда тўланадиган устама жорий этилган бўлиб, бу тўловлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, музей ходимларига (25 фоиз) ва санъат арбобларига ( 10 фоиздан 50 фоизгача) устамалар жорий этилган.

Соғлиқни сақлаш тизимида соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солишга оид Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 16 мартдаги 100-сонли буйруғи амал қилади. Мазкур буйруқ билан соғлиғига хавф туғдирувчи ва ўта оғир меҳнат шароитлари билан боғлиқ ишларда банд бўлган ходимларнинг схемавий мансаб (ойлик) окладлари (ставкалари)ни ошириш ҳуқуқини берадиган муассасалар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек, мансаблар рўйхатлари тасдиқланган.

6

Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тўғрисидаги Низомга биноан бюджет муассасалари ва ташкилотларида ходимларни моддий рағбатлантириш учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизи миқдорида бюджет ҳисобидан моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма маблағлари ходимлар иш ҳақига устамалар тайинлаш ва уларга мукофот пулларини тўлашга йўналтирилади.

Қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган халқ таълими ходимларига ана шу давр учун иш ҳақи тўлалигича сақлаб қолинади.

Табиий-иқлим шароитлари ноқулай ҳисобланадиган айрим ҳудудларда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларига кўп йиллик хизматлари учун ҳар ойда устама тўлаб борилади.

**Иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133—сонли қарорига биноан ишнинг алоҳида тусига эга бўлган, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар учун қисқартирилган иш куни ҳамда камида 12 иш кунидан иборат қўшимча таътил белгиланган. Мазкур имтиёзлардан соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, телевидение ва радиоэшиттириш, суд-тиббий экспертиза, ветеринария ва бошқа соҳалар ходимларининг катта қисми фойдаланади.

7

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартдаги 131-сонли буйруғи билан юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ ишлардаги тиббиёт ходимларига иш вақтининг муддати ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун, тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг муддати ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига биноан таълим муассасалари ходимларига қисқартирилган иш вақти ўрнатилади, йиллик ҳақ тўланадиган узайтирилган таътиллар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа имтиёзлар берилади.

Мактаблар, касб-ҳунар билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг ўқитувчилари таркибига, улар мазкур ўқув юртига қачон қабул қилинганликларидан қатъий назар, ишнинг биринчи йили учун йиллик меҳнат таътили, улар ишлаган даврига мутаносиб ҳақ тўланиб, ўқувчиларнинг ёзги таътили даврида тўлиқ муддат билан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрдаги Қарорига биноан тегишли қонун қабул қилингунга қадар давлат органлари хизматчилари учун илгари белгиланган таътил муддати сақланиб қолинган.

8

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли Буйруғига биноан олий, ўрта махсус ва халқ таълими ўқитувчилари даврий тиббий кўрикдан бепул ўтказиладилар.

**Ижтимоий кафолатлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан мактаб ўқитувчиларига, болалар уйлари тарбиячиларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлари ва ўқув-ёрдамчи ходимларига, фан соҳаси, ижод ва тиббиёт ходимларига, улар яшаб турган давлатга ва муассасаларга қарашли уйлар ва хонадонлар шахсий мулкка берилиши мумкин, улар учун якка тартибда уй-жой қурилишига ер участкалари ва қурилиш ашёлари биринчи навбатда ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 январдаги 24-сонли қарорига биноан қишлоқ жойларидаги тиббиёт ходимларининг, ўрмон хўжалиги, ҳарбийлашган қўриқлаш ва профессионал ёнғин хавфсизлиги ходимларининг, Қуролли Кучлар, ички ишлар идоралари, судлар ишчи ва ходимларининг, давлат ҳокимияти олий органлари масъул ходимларининг айрим тоифаларига, доимий асосда ишлайдиган Олий Мажлис депутатларига ва бошқаларга хизматда фойдаланиш учун турар жой олиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227 сонли Фармонига биноан таълим тизими ходимларининг бир қатор тоифаларига, шунингдек, қишлоқ жойларидаги тиббиёт ва фармацевтика ходимларига уй-жой коммунал хизма-

# ТАРМОҚЛАР ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ОРГАНЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР

9

ти тўловлари учун энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида пуллик компенсация олиш ҳуқуқи берилган.

**III.Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда меҳнатга оид муносабатларни қонун ҳужжатлари ёхуд жамоа шартномалари билан тартибга солиш меъёрларининг амал қилиш доиралари**

Иқтисодий соҳани эркинлаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнлари албатта давлат секторига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда Республикамизда бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларга бюджетдан ташқари манбалардан қўшимча маблағлар жалб қилиш учун молиявий мустақиллик берилмоқда. Жалб қилинган маблағларни ташкилотнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларни рағбатлантириш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун йўналтиришга рухсат берилган.

2000 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджет ташкилотлари ва муассасаларини молиялаштиришнинг янги тартиби жорий этилган бўлиб, унга биноан иқтисод қилинган бюджет маблағлари уларнинг ўзларида қолдирилади ва ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ривожланиш ҳамда ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилиши мумкин. Бунинг учун юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилоти (муассасаси)да бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармаси тузилиши мумкин.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари ва муассасаларига бюджетдан ташқари манбалардан (маҳсулот ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш, хоналарини ижарага бериш, ҳомийлар маблағлари ва ҳоказолар эвазига) қўшимча маблағ жалб

10

қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу маблағлар жамоа музокаралари орқали тақсимланиши мумкин.

Масалан, Молия, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликларининг 1999 йил 17 декабрдаги 210-сонли қўшма буйруғи билан соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ўрта махсус таълим соҳаларидаги йирик бюджет ташкилотларига, улар ўзлари жалб қилган бюджетдан ташқари маблағларни ташкилотни ривожлантириш ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтириш имкониятини очиш мақсадида, юридик шахс мақомини олиш ҳуқуқи берилган.

Иқтисод қилинган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалардан тушумлар (ҳомийлик ёрдами бундан мустасно) ҳисобига шакллантирилган бюджет ташкилотини ривожлантириш Жамғармаси маблағларининг 25 фоизигача бўлган қисмини ижтимоий ривожланиш ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда ҳам жамоа музокараларининг аҳамияти кўтарилмоқда. Шу боис, ходимлар ижтимоий ҳимоясининг самарасини ошириш учун, иқтисодиётнинг ушбу секторида меҳнатга оид муносабатларни қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномалари билан тартибга солиш меъёрларининг амал қилиш доираларини аниқ чегаралаб олиш жуда муҳимдир.

Мазкур тавсияларнинг иловаларида бюджетдан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда қонун ҳужжатлари ёки жамоа шартномалари билан тартибга солиниши лозим бўлган меҳнат соҳасидаги асосий меъёрий ҳолатлар келтирилган бўлиб, улар мазкур муаммога оид адабиётларни ўзлаштириш, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, таркиб топган амалиёт, шунингдек, миллий қонун ҳуж-

11

жатлари орқали яратилган имкониятлар таҳлили асосида гуруҳларга бўлинган (2003 йил 31 октябргача бўлган норматив-ҳуқуқий негизга биноан).

Иловаларда келтирилган меъёрий ҳолатлар рўйхатлари тўлиқ эмаслиги сабабли, улар тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга зид бўлмаган меъёрлар билан касаба уюшма органлари томонидан тўлдирилиши мумкин.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг, Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимлари**

1-Илова

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН ТАРМОҚЛАРДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТЛАР**

Қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини ўрнатиш.

Ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари. Иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш соҳасида қўшимча имтиёзлар.

Қариндош-уруғларнинг бирга хизмат қилишларини, шунингдек, ўриндошликни чеклаш.

Иш вақти ва дам олиш вақтининг, асосий ва қўшимча таътилларнинг муддатлари.

Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб

12

чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

Қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи асосий ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

Ходимларга табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойлардаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш тартиби.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловларни белгилаш. Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори. Тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори.

Ходимнинг айби билан ишлаб чиқилган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

Ходимлар давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида бериладиган кафолатли тўловларни молиялаштириш манбалари ва бериш тартиби.

Ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби.

Ходимнинг иш билан боғлиқ (хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда, ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун) қўшимча харажатларини компенсация қилиш шартлари ва тартиби.

Интизом тўғрисидаги устав ва низомлар. Меҳнат учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талаблар. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига маблағ ажратиш.

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори.

13

2-Илова

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТЛАР**

Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари.

Моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағларини касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда тақсимлаш.

Иш ҳафтасининг турлари. Иш вақти режими.

Иш куни (смена) давомида танаффуслар беришнинг аниқ вақти ва муддати, иш вақтида овқатланиб олиш имконияти бериладиган ишларнинг рўйхати.

Йиллик таътилларни бериш вақти ва навбати. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда йиллик асосий ва қўшимча таътилдан фойдаланиш.

Ходимни уни илтимосига кўра вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

Ходимни иш берувчи ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

Касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олмай туриб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги.

Ходимлар сони қисқараётганда ходимни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган қонунчиликда назарда тутилганидан бошқа

14

ҳолатлар.

Корхонада ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати. Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, ҳисобга олинадиган давр муддати, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

Ходимларни дам олиш, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этиш учун асослар рўйхати ва жалб этиш тартиби.

Таътил учун ҳақ тўлаш муддати.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари, иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш ўрнатилган муддатга нисбатан кечиктирилганлиги учун жавобгарлик.

Корхона меҳнат тартиби, ходимнинг аниқ меҳнат вазифаларини. Интизомий жазолар.

Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек, бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар бригадалик бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби. Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ва шартлари.

Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби.

Меҳнат низолари комиссиясини тузиш,

15

унинг сон таркиби ва ваколатларини белгилаш.

3-Илова

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИГАН ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР МАВЖУД БЎЛГАНДА, ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ БАЪЗИ ҚЎШИМЧА МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТЛАР**

Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилаб қўйган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойлар рўйхатига кирмаган бошқа жойларда ҳам ушбу шароитлардаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш тартиби.

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш масаласи.

Ўз маблағлари ҳисобига меҳнат ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар миқдорини ошириш.

Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун тўланадиган ҳақ миқдорини қонунда белгиланган миқдорига нисбатан

16

ошириш.

Тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақ миқдорини қонунда белгиланган миқдорига нисбатан ошириш.

Ходимнинг иш билан боғлиқ (хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда, ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун) қўшимча харажатларини қонунда белгилаб қўйилган миқдорларга нисбатан оширилган миқдорда компенсация қилиш шартлари ва тартиби.

Меҳнат учун рағбатлантиришнинг қўшимча турлари, уларни қўллаш тартиби, қўшимча афзаллик ва имтиёзлар бериш.

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг қонунда белгилаб қўйилган миқдорларига нисбатан оширилган миқдорлари.

Иш берувчининг айбдор ходимдан зарарни ундиришдан бутунлай воз кечиш ҳоллари.

Болани парваришлаш таътилларининг вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш.

Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёз-

«Универсиада-2004»:

# ЖИСМОНИЙ КАМОЛОТ, РУҲИЙ ТЕТИКЛИК

## зукко ва билимдон йигит ва қизларни Ватан равнақи йўлида янада зўр бериб ишлашга даъват этади

*Эътибор*

# СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРГА

## қўшимча стипендия

***Спорт соҳасида Самарқанд кооператив институтининг нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўз мавқеи бор. Бир неча йил муқаддам ташкил топган волейболчи қизлар жамоаси эндиликда тўла шаклланиб, мамлакат чемпионатида мунтазам равишда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Жамоа ўтган йили Ўзбекистон Республикаси талабалар кубогини қўлга киритди. Бухорода ўтказилган «Универсиада» мусобақаларида муваффақиятли қатнашди.***



Жамоага ҳозирги вақтда тажрибали мураббий Комил Муҳамедов раҳбарлик қилмоқда. Унинг Лена Лапина, Ирина Тин, Мария Кукушкина сингари маҳоратли шогирдлари миллий терма жамоа аъзолари ҳисобланади. Бу йил жамоага Жиззахдан, Фарғонадан, Самарқанддан иқтидорли ёш волейболчи қизлар таклиф этилди. Институт ректори Акбар Жабриевнинг қатъияти, тадбиркорлиги туфайли волейболчи қизлар жамоаси Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган спорт либослари ва анжомлари билан тўлиқ таъминланди.

– Бундан ташқари, институтимизда спортнинг бошқа турларини ривожлантиришга ҳам эътибор катта, – дейди жисмоний маданият кафедраси мудири Жамшид Аҳтамов. – Футбол, қўл тўпи, баскетбол, енгил атлетика, ёзги биатлон каби кўплаб турлар бўйича тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Гуруҳлараро, факультетлараро мусобақалар талабаларда катта қизиқиш уйғотяпти. Шу жараёнда иқтидорини намоён қилган спортчи талабалар юқори поғоналарга кўтарилмоқда. Масалан, институт талабаси Эвилина Мамедова ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. МДҲ мамлакатлари чемпионатида, Италияда ўтган жаҳон биринчилигида муваффақиятли қатнашди.

Институтда спортчи талабалар учун катта имтиёзлар белгилаб қўйилган. Улар ҳар куни бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Қайси даражадаги мусобақада бўлишидан қатъи назар ғолиблар 5 мингдан 10 минг сўмгача мукофот пули билан тақдирланади. Бундан ташқари, уларга моддий ёрдам берилади. Республика миқёсидаги мусобақаларда доимий қатнашадиган спортчи талабаларга қўшимча стипендия тайинланган.

Спорт майдонлари, заллар ҳамиша гавжум. Айниқса, тренажёрлардан одам аримайди. Мураббий Наил Галимов раҳбарлигидаги соғломлаштириш гуруҳига институт ўқитувчилари ҳамда талабаларнинг деярли барчаси жалб қилинган. Умуман, спорт ва соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзи масалалари институтда биринчи ўринга қўйилган, десак муболаға бўлмайди.

Яна бир неча ойдан сўнг вилоятда бошланадиган «Универсиада – 2004» мусобақаларига тайёргарлик борасида ҳам кооператив институти зиммасига катта масъулият юклатилган. Меҳмонларнинг 200 нафари институт ётоқхонасига жойлаштирилади. Ҳозирга қадар 4 қаватли ётоқхонанинг уч қаватида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу ерда хоналар асосан 2 ўринли, 44 таси эса бир ўринли. Барча қаватларда дам олиш, ювиниш хоналари мавжуд. Биринчи қаватда 2 та душ, ошхона бор. Тез орада хоналарнинг ҳаммаси замонавий мебел, телевизор, гилам кабилар билан тўлиқ таъминланади.

– Асосий эътибор қизлар волейбол жамоалари ўртасидаги мусобақалар ўтказиладиган спорт залини тайёрлашга қаратилган, – дейди институт ректори А.Жабриев. – Спорт залимизни «Универсиада»нинг энг яхши иншоотларидан бирига айлантириш ниятидамиз. Шу мақсадда спортчилар учун ечиниш хоналари, душлар жаҳон андозаларига мос равишда таъмирдан чиқарилди. Жиҳозлари янгиланди. Волейбол мусобақалари ўтказиладиган зал ҳам тўлиқ таъмирланди. Тагқоплама (пол) силлиқланиб чиқилди. Олий ўқув юртлари ўртасида биринчи бўлиб электрон табло ўрнатилди. Унда майдонга тушган жамоалар номи, ўйин вақти, ўйиндаги ҳисоб қайд этилади. Овозли эълон қилиш ускунаси, сирена бор. Эндиги вазифа ўйин майдонидаги чизиқли белгиларни амалга ошириш қолди.

Тайёргарлик ишларининг яна бир йўналиши институт талабалар ошхонасини қамраб олган. Ошхонанинг 2-қавати 60 квадрат метрга кенгайтирилди. Полга мармар ётқизилиб, деворлари ва шифти европача усулда пардозланди. Энг сўнгги андозадаги стол-стуллар қўйилиб бежирим ва нафис пардалар билан безалди. Албатта, таомлар сифати ҳам спортчилар эҳтиёжига мос бўлади.

«Универсиада» мусобақалари бошлангунга қадар институтнинг очиқ баскетбол ҳамда мини футбол майдонларини қайта жиҳозлаш, катта теннис кортини қуриш режалаштирилган. Бундан ташқари, келажакда бунёд этиладиган ёпиқ сузиш ҳавзаси лойиҳаси тайёрлаб қўйилган. Умуман олганда, олий ўқув даргоҳида спортни ривожлантиришга, оммалаштиришга юксак эътибор берилаётир. Зеро, спорт машғулотларига жалб этилган талаба, аввало соғлом бўлади, ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги ортади, маънавий баркамолликка эриша боради. Ўз навбатида, бу жамият, юрт тараққиётида бемисл аҳамият касб этади.



**Рустам ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Саралаш босқичи*

# ШОҲМОТ БАҲСЛАРИ

## ғоят қизиқарли ўтди

***Яқин ойларда старт оладиган «Универсиада-2004» мусобақаларининг саралаш босқичи бошланди. Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳри марказида яқинда иш бошлаган Ёшлар марказида шоҳмот бўйича очиқ саралаш турнири бўлиб ўтди.***

Беллашувларда элликдан зиёд шоҳмотчилар қатнашди. Эркаклар ўртасида Самарқанд Давлат университети талабалари Мурод Ҳакимов, Павел Верешаг 1 ва 2-ўринларни эгаллашди. Хотин-қизлар ўртасида эса Чет тиллар институти талабалари Насиба Насриева, Дилноза Эргашева ғолиб бўлишди. Шунингдек, талабалар, мактаб ўқувчилари иштирок этган очиқ саралаш турнирида 45-мактаб ўқувчиси Саид Жўраев умумий ҳисобда биринчи ўринга сазовор бўлди. Мусобақа ташкилотчилари – вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, «Маърифатпарварлар» жамияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан ғолибларга қимматли совринлар топширилди.

**Ж.ЭШНАЗАРОВ**

*Тараддуд*

# «ДЕЛЬФИН»

## иштирокчиларга қучоқ очади

***«Универсиада-2004» мусобақасининг энг катта иншоотлари сирасига «Локомотив» стадиони, «Дельфин» ёпиқ сузиш ҳавзаси, «Сўғдиёна» спорт мажмуаси ҳам киради.***

***«Локомотив» стадионида енгил ва оғир атлетика, футбол, теннис мусобақаларини ўтказиш мўлжалланган. Шунинг учун стадионни таъмирлаш ишлари анча илгари бошлаб юборилди. «Ўзбекистон темирйўллари» компанияси ва унинг Самарқанд бўлими ҳомийлигида анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, футбол майдони қайта таъмирланди. Бунинг учун ер текислаш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар ихчам, қулай бўлган янгиларига алмаштирилди. Ювиниш, ечиниш хоналари энг юқори талаблар даражасида қайта жиҳозланди. Айни кунларда югуриш йўлаги қопламасини янгилаш ишлари ниҳояланмоқда.***

Шунингдек, стадион мажмуига кирадиган оғир атлетика зали таъмирланиб, жиҳозлар ўрнатилди. Теннис корти қурилиши якунланай деб қолди. Айни пайтда 75 ўринли меҳмонхонада сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти.

Илгари Самарқандда эътиборга лойиқ сузиш ҳавзаси йўқ эди. Бу ҳол спортнинг энг муҳим турларидан бирининг равнақига монелик қиларди. Ўтган йили шаҳарда халқаро стандартларга мос «Дельфин» ёпиқ сузиш ҳавзасини қуриш бошланди. Бу улкан иншоотни бунёд этишга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳомийлик қилмоқда. Қисқа вақт ичида бино қад ростлади. Ҳозирда қурилиш-монтаж ишлари 2-3 сменада олиб борилялти. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши қурувчиларга барча шароитларни яратиб берган ва ишларнинг боришини доимий назорат қилиб турибди. Чунки бу иншоот келгусида спорт-соғломлаштириш тадбирлари кўламини кенгайтиришга муносиб хизмат қилади.

Шаҳарнинг собиқ Темирйўл тумани ҳудудидаги яна бир кўркам маскан «Сўғдиёна» спорт мажмуасидир. Ўтган йили ишга туширилган бу спорт маскани «Универсиада»нинг кураш, теннис, бокс, баскетбол мусобақаларини ўтказиш учун аллақачон тахт қилиб қўйилган. Шу ҳудуддаги темирйўл транспорти касб-ҳунар коллежи, тижорат коллежи, олимпия заҳиралари билим юрти, қишлоқ хўжалик институти спорт майдонлари ва заллари, ётоқхоналарида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Барча ётоқхоналар меҳмонхона типида бўлиб, янги жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Спортчиларнинг яшаш шароитида ҳеч бир ноқулайлик, камчилик бўлмаслигига эришилади. Уларнинг маданий дам олишини ташкил этиш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Умуман, «Универсиада» қатнашчиларининг 1000-1200 нафари юқорида айтилган ётоқхоналарда яшаб, спорт иншоотларида тайёргарлик машғулотларини ўтказиши, мусобақаларда қатнашиши режалаштирилган. Бу тадбирларнинг ҳаммаси қатъий жадвал асосида амалга оширилади.

Эндиги вазифа меҳмонларни кутиб олиш, манзилга етказиш билан боғлиқ. Шаҳарга илк қадам қўйганданоқ «Универсиада-2004» қатнашчиларида яхши кайфият пайдо бўлиши, яхши taассурот қолиши керак. Шу мақсадда темирйўл вокзали биносини таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Меҳмонларни кутиб олиш, кузатиш жараёни ҳам эсда қоларли тадбирларга бой бўлади. Булардан ташқари спортчи талабалар яшайдиган манзиллар билан мусобақалар ўтадиган масканларни туташтирадиган кўчаларни ҳам ободонлаштиришга киришилди. Хусусан, шу ҳудуддаги Нарпай, Бедил, Фитрат, Спитамен номли асосий кўчалар ва бошқа йўллар ҳам обод, равон, гўзал бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Қисқаси, ёшларнинг улкан спорт анжуманига катта тараддуд кўрилмоқда.

**В.ЧАҚҚОНОВ**

# ҲАР ШАНБАДА ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

**Ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолоти Ватаннинг эртанги куни учун жуда муҳим. Шунинг учун ҳукуматимиз болалар спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Бу борада вилоятимизнинг барча жойларида, хусусан, халқ таълими тизими муассасаларида ибратли ишлар олиб бориляпти.**

Уч босқичли спорт мусобақаларининг дастлабки бўғини – «Умид ниҳоллари» беллашувлари болалар спортини ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Шу билан бирга мазкур жараёнда чиниққан, малака орттирган болалар келгусида «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида муваффақиятли иштирок эта олади.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг шанбаси спорт куни деб расман эълон қилинган. Шу куни мактабларда, барча таълим муассасаларида ички спорт беллашувлари ўтказилади. Бу тадбирнинг самараси яққол кўринмоқда. Хусусан, болаларнинг фанларни ўзлаштириши ҳам яхшиланяпти.

Спортчи ўқувчилар эришаётган натижалар қувончли. Масалан, Самарқанд шаҳридаги 5-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Алишер Тиллаев каратэ бўйича республика мусобақасида 1-ўринни эгаллади. Унинг тенгдоши Акмал Мухторов эса 3-ўринга эришди. Ҳозир мактабларда спортнинг кўплаб турлари, айниқса, якка кураш, қўл жанги турлари кенг ривожланмоқда. Энг муҳими, ўқувчиларда соғлом тафаккур шаклланиб, аниқ мақсад сари интилиш қарор топмоқда. Болалар спорти республикамизда катта спортнинг ривожланиши жумладан, "Универсиада" учун жуда муҳим ва бой заҳирадир, десак муболаға бўлмайди.

**Х.ҲОЖИКУЛОВ, Самарқанд вилоят Халқ таълими бошқармаси мутахассиси**

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Универсиада-2004» мусобақаларини ўтказиш ва унга тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириш маркази республикамиздаги барча олий ўқув юртлари раҳбарлари, мутасадди ва мутахассисларидан, спортчи талабаларидан ушбу улкан тадбирни янада яхшироқ ташкил қилиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди.**
**телефон: (3662) 33-50-02 СамДУ**

*Бокс*

# ЯНА БЕШТА АФИНА ЙЎЛЛАНМАСИ

***Кейинги йилларда спортнинг яккакураш турлари бўйича юртимиз спортчиларининг жаҳон, Осиё майдонларида эришаётган ютуқлари таҳсинга лойиқ. Хусусан, боксчиларимиз бу борада нафақат мамлакатимизда, балки қитъамизда карвонбоши ҳисобланишади.***

Филлипин пойтахти Манила шаҳрида ниҳоясига етган бокс бўйича Осиё чемпионати баҳслари бу фикримизнинг исботидир. Қарийб бир ҳафта давом этган «жанг»ларда қитъанинг энг кучли боксчилари рингга кўтарилдилар. Чемпионат баҳслари ўта муросасиз тус олди.Чунки мусобақаларда Афина Олимпиадаси йўлланмаси ҳам ўйналди. Низомга кўра баҳсларнинг финал учрашувига чиққан икки боксчи йўлланмани қўлга киритиш имконига эга бўларди.

Беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси 11 нафар боксчи билан иштирок этди. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, боксчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни тўла оқладилар. Шароф Худойбердиев мураббийлигидаги боксчиларимиз беллашувларни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, 2 та олтин, 2 та кумуш, 5 та бронза медалларни қўлга киритдилар. Истеъдодли боксчимиз Рустам Саидов ўта оғир вазнда барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони деган номни қўлга киритди. Яна бир умидли вакилимиз Баҳодир Султонов 54 килограмм вазнда зафар қучди. Финалгача етиб келган Дилшод Маҳмудов (64 килограмм вазнда) ҳамда Шерзод Ҳусанов (69 килограмм вазнда) сўнгги паллада рақибларига ютқазиб қўйдилар. Баҳсларда бронза медалини қўлга киритган Беҳзод Хидиров ҳам Афина йўлланмасига лойиқ топилди. Шунингдек, яна тўрт нафар боксчимиз совриндорлар сафидан жой олди. Улар 48 килограмм вазнда Отабек Мамажонов, 51 килограмм вазнда Тўлаш Дониёров, 81 килограмм вазнда Нодир Ғуломов, 91 килограмм вазнда Игор Албановлардир.

Келгусида вакилларимизни яна иккита йирик турнирлар кутиб турибди. Уларнинг биринчиси март ойида Хитойда бўлиб ўтса, яна бири май ойида Покистонда ташкиллаштирилади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу турнирларда ҳам Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритиш имконияти бор.

**Абдулҳай ЮНУСОВ**

*Болалар спорти*

# БУЛОҚБОШИЛИК ЎҚУВЧИЛАР

## янги марраларни кўзлашмоқда

***Сўнгги йилларда Булоқбоши туманида спорт-соғломлаштириш ишлари кенг қулоч ёйди. Хусусан, туман халқ таълими бўлими томонидан болалар спортини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширила бошланди. Мактабларнинг моддий-теника базасини мустаҳкамлаш мақсадида билим масканларига ҳомий ташкилотлар бириктирилди. Тармоқ ходимлари касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган ва жамоа шартномаси бандларига мактаблар, ҳамда мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт ишлари сифатини кўтаришга қаратилган қўшимчалар, ўзгартиришлар киритилди.***

Биринчи иш мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациялаш, яъни қайта хатлов ўтказишдан бошланди. Мақсад ночорларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, шу йўл билан ўқувчи ёшларни спортга бўлган ҳавас-интилишлари, қизиқишларини чўғлантириш эди. Масалан, 6-ўрта умумтаълим мактабида қўл тўпи ўйингоҳи барпо қилинди, иш бошлаган янги секцияга 5-7 синфлардан 50 нафар ишқибоз жалб этилди. 24-ўрта мактаб ҳудудидаги фойдаланилмай ётган фуқаролар йиғини биноси таъмирланиб, ўқувчилар ихтиёрига берилди. Шу кунларда ушбу бинода кураш секцияси қизғин иш олиб бормоқда. Бу ерда 35 нафар ўқувчи тажрибали мураббий Муҳитдин Рўзиев устозлигида белбоғли кураш сир-асрорларини ўрганмоқда. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги муносабати билан уюштирилган туман мактабларининг белбоғли кураш баҳсларида 24-мактабнинг ёш полвонлари биринчи ўринни эгалладилар. Рустамжон Матиев «Умид ниҳоллари» вилоят босқичидаги мусобақада 42 килограмли вазндаги полвонлар ўртасида ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисидан жой олди.

Дарвоқе, булоқбошилик мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида қўлга киритган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. 5-7 ҳамда 8-11-синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда туманнинг ёш волейболчиларига тенг келадиганлар вилоятда топилмади. Улар умумжамоа ҳисобида энг кўп очко тўплаб, 1-ўринга мушарраф бўлдилар. Бу ғалабада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жўрабой Абдуллаевнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўқувчиларни спортнинг баскетбол турига қизиқиши ҳам катта. Шу боис ҳозирда мактабларда 8 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Уларда 122 нафар ўқувчи жалб этилган.

– Спорт ўқувчиларимизнинг жони дили, – дейди биз билан мулоқотда халқ таълими бўлимининг жисмоний маданият услубчиси Қодиржон Зокиров. Ёшларимизнинг бардам-бақувват бўлиб улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. 19 та спорт зали, 32 та волейбол ва 30 та баскетбол майдончалари 25 та катта ва кичик футбол ўйингоҳлари ўқувчилар хизматида. Яқиндагина иш бошлаган юнон-рум кураши, баскетбол, стол тенниси тўгараклари ихлосмандларга яхши совға бўлди.

Келгусида жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари кўламини янада кенгайтириш ниятимиз бор. Жамиятимиз тараққиётининг асоси бўлмиш соғлом турмуш тарзининг шаклланиши мактабдан бошланади. Негаки, соғлом, дуркун, Алпомиш сиёқли йигитлар, Барчинойдек уддабурон, чапдаст қизлар элюртимизни ёмон кўзлардан асрагувчи Ватан қалқонларидир.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ISHONCH

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

**«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.**

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 2 3 4 5 6